

ARTISTIC INTERPRETATION OF THE IMAGES OF DEVIL, ANGEL IN ALISHER NAVOI'S LYRICS

**Ma'rifat Rajabova,
Bukhara State University, associate professor**

Abstract. This article analyzes artistic images of pari, malak (angles), dev (satan) in Alisher Navoi's poetry.

Key words. Folklore, lyrics, poetry, images, angle, dev.

Кириш. Фольклор ва ёзма адабиёт муносабатини ўрганишда улуғ шоир А. Навоий ижоди бой материал бера олади. А. Навоий халқ орзумидлари, истаклари, яхшилик ва ёмонлик ҳақидаги қарашларини акс эттирувчи фольклор сюжетлари, образ ва мотивларидан моҳирона фойдаланиб ўзи яшаб турган даврнинг қиёфасини чизишга эришди.

Таъкидлаш жоизки, улуғ шоир А. Навоийнинг назмий ва насрий асарлари қаватларида халқимизнинг мифологик тасаввурлари асосида юзага келган поэтик тимсоллар ва образларнинг бутун бир тизими мавжудки, уларни ўрганиш улуғ шоир ижодининг манбалари хусусида тўлақонли тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашади.

Асосий қисм. Фикримизни шоир лирикасида халқ оғзаки ижодининг эпик жанрларига хос мотив, образлар асосида шаклланган стилизациян фольклоризмлардан фойдаланишдаги ўзига хосликларни кўрсатиш орқали асосламоқчимиз. А. Навоий лирикасида дев, ғул, пари, шайтон, аждар сингари мифологик образлар стилизацияси кузатилади.

А. Навоий лирик меросида дев ва ғул образи кўп қўлланган. Дев – мифга кўра, жуда зўр, кучли ва баҳайбат, кўрқинчли шаклда тасаввур этиладиган мавҳум бир махлуқ [7.187] Шоир лирикасида ошиқнинг ишқ йўлидаги рухий ҳолатини беришда дев тимсолига кўп бора мурожаат қилинган. Жумладан:

Ул парий ишқида мен девона эрман, девмен,

Ишқ водийсинда ҳар оҳим эрур бир девбод [4. 88].

Лирик қаҳрамон – ошиқ. У ошиқликда девона. Тасаввуфий нуқтаи назардан, девона – илоҳий жазба теккан инсон. Шоир таъкидни кучайтириш мақсадида ошиқни девга қиёслапти. Ошиқнинг ҳар бир оҳи ишқ водийсида бир девбодни ҳосил қилади. Байтдаги девбод – қуюндай тез, қуюн, уярма маъноларидаги сўз. Мифологик қарашларга кўра, девлар жуда ҳайбатли шаклда тасвирланган. Шу боис уларнинг нафас чиқариши ҳам ғайри одатий тарзда тасаввур қилинган. Юқоридаги байтда ҳам девнинг нафас чиқаришидан қуюн (девбод) ҳосил бўлиши, ишқ водийсидаги ошиқнинг ҳолатини тасвирлаш учун хизмат қилган.

Ошиқнинг девона дев бўлишига сабаб – парининг гўзаллиги. Халқ тасаввурича, пари – рух, у гоҳ кўринади, гоҳ кўринмайди. Маъшуқа парига ўхшатилар экан, унинг ана шу хусусияти асос қилиб олинган.

Халқда жинларнинг инсон қонига кириб олиши билан боғлиқ мифологик ишончлар мавжуд. Парилар ҳам жинларнинг бир жинси сифатида инсон (мумтоз адабиётда ошиқ)нинг вужудига киришини тасвирлаш орқали унинг ниҳоятда нозиклигига ишора қилинади.

Телбалар қатли қизил қилмиш либосин, оҳким,

Бир йўли девоналар қонига кирмиш ул пари [3.441].

Насрий баёни: Телба ошиқларини қатл қилганидан, қонлар сачраб, либосини қизил ранга бўябди, балки ул пари бир йўла девона ошиқлар

қонига кириб олибди.

Маълумки, халқда “жин (пари) урган” инсонни парихон – афсунгар, дуохон, азойимхонга ўқитиш орқали уни касалликдан фориғ қилинган. Шоир халқдаги ана шу удумга ишора қилиб, лирик қаҳрамон ҳолатини бадий ифодалашга эришган.

Келтурунг дафъи жунунимға парихон, йўқ табиб,

Ким ул ансабдур пари ҳар кимни пайдо айласа [3. 41].

Насрий баёни: Девоналигимни даволаш учун дуохон ё табиб келтиринг, чунки кимники бир гўзал пари пайкар шайдо айлаган бўлса, унга шу муносибдир.

Навоий лирик меросида дев образи билан боғлиқ байтларни кузатадиган бўлсак, уларда дев ва пари образларини ёнма-ён келганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосини диний манбалардаги маълумотлар ойдинлаштиради. Диний қарашларга кўра, барча жонли мавжудодлар жуфт-жуфт қилиб яратилган, яъни инсон ҳам эркак ва аёлга ажратилган. Шу боис жинлар ҳам жуфт қилиб яратилган. Жиннинг эркаги дев, аёли пари деб тасаввур қилинган. Шунинг учун бўлса керак, жин ва пари образлари орқали кўпинча ошиқ ва маъшуқа тимсоли берилади. Жумладан:

Қўлумда банди жунун тасмаси, не фикр эткай

Паривашеки, миниб дев, қўлга олса жилов [5.378].

Одамлар девларни қўлга олиш, жиловлаганча ўз измига солиш, бўйсундириш, миниш мумкин, деб қараганлар. Хусусан, бу имконият Оллоҳ томонидан Сулаймон пайғамбарга берилгани ҳақида бир қатор афсоналар мавжуд. Юқоридаги сатрларда шу каби қарашларга ишора бор. Бунда банди жунун тасмаси – ишқ рамзи. У ошиқнинг қўлида. Лирик қаҳрамон ошиқлик жиловини пари – маъшуқаси олишини истайди.

Навоий ғазалларида пари билан бирга малак образи ҳам қўлланган.

Малак – фаришта, унинг канотлари бор бўлиб, учиб юради. Малак фақат ижобий маънода тасвирланади. Пари эса жуда гўзал қиз сувратидаги мифик образ бўлиб, гоҳ ижобий, гоҳ салбий талқин қилинади. Алишер Навоий лирикасида пари “париваш”, “парируй”, “пари пайкар”, “паризода” каби сифатлар билан берилган. Малак ва парининг бир-бирдан фарқли жиҳатлари “Қисаси Рабғузий” асарида илоҳий манбаларга таянган ҳолда баён қилинган: “Оллоҳ таоло фаришталарни ўтнинг ёруғлигидан, париларни эса ўтнинг алангасидан яратди. Уларнинг асллари бўлса ҳамки, уч нарса билан фарқландилар. Бири шуки, фаришталар нурдан, парилар алангадан бино бўлгандилар. Иккинчиси шуки, фаришталар малак деб, парилар эса жин деб аталди. Учинчиси шуки, фаришталарнинг макони осмонда, жинларники эса ерда бўлади” [8. 2].

Ул парий пайкар малакваш мен жунундин девсор,

Тутмаса йўқ айб бу расвои олам бирла унс [6.167].

Ушбу байтда парий ва малак сўзи қўлланган. Маъшуканинг гўзаллигини бўрттириб тасвирлаш учун малак ва пари сўзи ёнма-ён келтирилган. Пари – малаксифат. Унинг ишқи эса ошиқни девсор (дев шаклли, девга ўхшаш) қилган. Шунинг учун у (париваш) расвои олам бўлган ошиқ (девсор) билан яқинлик (унс) тутмаса, айб эмас.

Мумтоз асарларда дев нафс, жаҳолат, вайронагарчилик рамзи сифатида ҳам келади. Қуйидаги байтда шунга ишора мавжуд:

Демаки, илмда келмиш малакдин ул афзун

Ки, девдин доғи афзун эрур жаҳолат анга [6.8].

Қуръони каримда инсон яратиклар ичида энг муқаррами сифатида эътироф қилинади. Диққат қилинса, юқоридаги байтда инсонга хос икки сифат, яъни малаклик ва девсифатлилик хусусиятига урғу берилган. Байтда илм деганда, Қуръони карим назарда тутилган. Биричи мисрада инсоннинг

малак (фаришта)дан, иккинчи мисрада жаҳолатда девдан ортиқлиги (афзун) таъкидланган.

Хулоса.

Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижодида дев ёмонлик ва ёзувлик рамзи сифатида келган бўлса, Алишер Навоий лирикасида бу образга хос сифатларга ишора қилиш орқали инсон (кўпинча ошиқ) қалбида кечадиган нозик кечинмаларни, қалб туғёнларини ишонарли тарзда тасвирлайди.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев М. Мифларнинг ёзма адабиётга муносабати. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 1980. – №6. – Б.41-45.
2. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. II жилд. Наводир ун-ниҳоя. – Т.: Фан, 1987.
3. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. III жилд. Фаройиб ус-сиғар. – Т.: Фан, 1988.
4. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. IV жилд. Наводир уш-шабоб. – Т.: Фан, 1989.
5. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. V жилд. Бадоеъ ул-васат. – Т.: Фан, 1990.
6. Навоий Алишер. Мукаммал асарлар тўплами. XX жилдлик. VI жилд. Фавойид ул-кибар. – Т.: Фан, 1990.
7. Навоий асарлари луғати. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
8. Рабғузий Носируддин Бурҳонуддин. Қисаси Рабғузий. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1990.
9. Rajabova M. B. Goethe and the East //International scientific-practical conference" XL international conference dedicated to the problems of social sciences"(March 31, 2016) Moscow-2016. – 2016.
10. Rajabova M. B. From the history of the views of the great thinkers of the East on education and upbringing //International scientific and practical conference" Fundamental and applied research: a new word in science", Moscow. – 2014. – С. 125-132.
11. Bakaevna R. M. Artistic interpretation of the mythonyms of angel and devil in the works of A //Navoi. Middle European Scientific Bulletin, ISSN. – С. 2694-9970.

12. Bakaevna R. M. Artistic interpretation of the mythonyms of Angel and Devil in the works of A. Navoi //Middle European Scientific Bulletin. – 2020. – Т. 5.
13. Rajabova M. B. EXPRESSION OF IMAGES RELATED TO NATIONAL TRADITIONS IN A. NAVOI'S WORK //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 5. – С. 141-146.
14. Ражабова М. Б. ИЗ ИСТОРИИ ВЗГЛЯДОВ ВЕЛИКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА НА ОБРАЗОВАНИЕ И ВОСПИТАНИЕ //Редакционная коллегия. – 2014.
15. Baqoevna R. M., Oxunjonovna S. H., Qodirovna A. Z. ANALYTICAL AND SYNTHESIZED FOLKLORISM IN NAVOI'S WORK //Journal of Contemporary Issues in Business and Government. – 2021. – Т. 27. – №. 2. – С. 1626-1633.
16. Baqoevna R. M. Interpretation Of Navruz In Navoi's Work //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 25. – №. 1. – С. 16-23.
17. Rajabova M. B., Akhrorova Z. R. UVAYS QARANIY IN THE INTERPRETATION OF FARIDUDDIN ATTAR AND ALISHER NAVOI //Scientific reports of Bukhara State University. – 2020. – Т. 4. – №. 2. – С. 219-223.
18. Ражабова М. Б. ГЁТЕ И ВОСТОК //Контактная информация Организационного комитета конференции. – С. 54.